



PECULIARITIES OF ORGANIZATION OF HIGHER EDUCATION ORGANIZATIONS IN THE FORM OF JOINT STOCK COMPANY

E.O.Khomidov

Deputy head of Department of the University of public security of the
Republic of Uzbekistan, Doctor of Philosophy in Law (PhD), dosent
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15833420>

ARTICLE INFO

Received: 30th June 2025

Accepted: 07th July 2025

Online: 08th July 2025

KEYWORDS

Higher education
organization,
Entrepreneurial Activity,
Joint-Stock Company,
non-profit Joint-Stock
Companies, non-profit
organization.

ABSTRACT

The article explores the legal basis of entrepreneurial activity of higher education organizations. The prospects for the reorganization of State Higher Education Institutions in the form of a Joint-Stock Company, the positive results expected from this, as well as the possible risks were also studied. The experience of foreign countries has been studied and proposals for improving national legislation have been put forward.

ОСОБЕННОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ ОРГАНИЗАЦИЙ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В ФОРМЕ АКЦИОНЕРНОГО ОБЩЕСТВА

Э.О.Хомидов

Заместитель заведующего кафедрой Университета общественной безопасности
Республики Узбекистан, Юриспруденция доктор философии (PhD), доцент
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15833420>

ARTICLE INFO

Received: 30th June 2025

Accepted: 07th July 2025

Online: 08th July 2025

KEYWORDS

Организация высшего
образования,
предпринимательская
деятельность,
Акционерное общество,
некоммерческие
акционерные общества,
некоммерческая
организация.

ABSTRACT

В статье исследуются правовые основы предпринимательской деятельности организаций высшего образования. Также были изучены перспективы реорганизации государственных высших учебных заведений в форме акционерного общества, ожидаемые от этого положительные результаты, а также возможные риски. Был изучен опыт зарубежных стран и выдвинуты предложения по совершенствованию национального законодательства.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Э.О.Хомидов



Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети кафедра бошлигининг
ўринбосари, yu.f.b.f.d (PhD), доцент
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15833420>

ARTICLE INFO

Received: 30th June 2025

Accepted: 07th July 2025

Online: 08th July 2025

KEYWORDS

Олий таълим
ташкilotи,
тадбиркорлик
фаолияти,
акциядорлик жамияти,
нотижорат
акциядорлик
жамиятлари,
нотижорат
ташкilot.

ABSTRACT

Мақолада олий таълим ташкilotларининг тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асоси ва ташкилий ҳуқуқий жиҳатлари тадқиқ қилинган. Шунингдек, давлат олий таълим муассасаларини акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этиш истиқболлари, бундан қутиладиган ижобий натижалар ҳамда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар ўрганилган. Хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, миллий қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклифлар илгари сурилган.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг ривожланиши, эртанги куни ва истиқболи давлат томонидан унинг таълим тизимига, таълим муассаса-ларининг фаолиятини тўғри ташкил этишга ҳамда таълим муассасаларида етишиб чиқаётган кадрларнинг салоҳиятига боғлиқдир. Шунингдек, ҳар бир ривожланиш, янгиланиш, яратилган инновациялар замирида билим, инсон тафаккури, илм ётади. 2020 йилдан бошлаб таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасаларининг айрим бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига талаб юқорилиги ва молиявий барқарорлигини инобатга олиб, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказишга розилик берилганлиги давлат олий таълим ташкilotларининг тадбиркорлик фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш ва у билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг илмий ечимини излаб топишга бўлган заруратни янада кучайтирмоқда ва бу миллий цивилистика фани олдида турган долзарб, муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига кўра, таълим ташкilotи юридик шахс бўлиб, у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда барпо этилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда ФК) 40-моддаси биринчи қисмида юридик шахслар тижоратчи ташкilot ва тижоратчи бўлмаган ташкilotларга ажратилади[1]. Тижоратчи ташкilot фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олади, тижоратчи бўлмаган ташкilot эса буни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмайди.

Олий таълим ташкilotи (кейинги ўринларда ОТТ) оператив бошқариш ҳуқуқи асосида фаолият олиб борадиган ҳамда мулкдор томонидан молиявий таъминланиб туриладиган тижоратчи бўлмаган юридик шахслар жумласига киради. Муассаса шаклидаги ОТТларнинг ҳуқуқий мақоми ФКнинг 76-моддаси биринчи қисмидан англашилади ва унга кўра, бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки



тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади[2].

Мазкур норма императив характер касб этмайди, чунки ФК 76-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, айрим турдаги давлат муассасалари ва бошқа муассасалар ҳуқуқий мавқеининг хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Хусусан, “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 62-моддаси учинчи қисмига биноан, таълим муассасалари уставда белгиланган вазифаларига мувофиқ пулли таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли[3].

Мазкур вазиятда ОТТларнинг ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтиши ва улар мустақиллигини таъминлаш йўналишларидан бири сифатида ОТТларни акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда АЖ) шаклида қайта ташкил этиш, яъни мавжуд давлатга қарашли ОТТларни АЖ ташкилий-ҳуқуқий шаклига ўзгартириш истиқболли, бундан кутиладиган ижобий самара ва юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни кўриб чиқиш лозим.

Бугунги кунда АЖ шаклида ОТТ ташкил этишга кўпгина хорижий мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам таъқиқ йўқ, албатта. Бу ҳолат “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасидан англашилади (давлат ва нодавлат таълим муассасалари) ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга жавоб берадиган, тегишли тартибда аттестация ва аккредитациядан ўтган ОТТлар таълим хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга[4] ҳисобланади.

Хорижий тажрибага эътибор берадиган бўлсак, Қозоғистонда 15дан ортиқ таълим муассасалар АЖ шаклида фаолият олиб боради ва улардан биринчи бўлиб АЖ ташкилий-ҳуқуқий шаклига ўтган ОТТ бу Қозоқ гуманитар-юридик унивеситети (ҚозГЮУ) саналади. Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг 2001 йил 24 октябрдаги “Қозоқ давлат юридик академиясини очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги Қозоқ гуманитар-юридик университетига ўзгартириш тўғрисида”ги №1358 Қарори билан ҚозГЮУ ташкил этилган[5].

ОТТларни АЖ шаклида қайта ташкил этиш масалалари бўйича Қозоғистон Ҳукуматининг 1999 йил 18 августдаги №1191 Қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларини акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этиш Қоидалар” қабул қилинган (мазкур Қоидалар Ҳукуматнинг 2014 йил 23 июндаги №696 Қарори билан ўз кучини йўқотган)[6].

Қозоғистон Ҳукуматининг 2015 йил 30 декабрдаги “2016-2020-йилларда хусусийлаштиришнинг айрим масалалари тўғрисида”ги №1141 Қарорида М.С.Нарикбаев номидаги ҚозГЮУ АЖни тўлиқ хусусийлаштириш белгиланган[7].

Қозоғистон Республикасининг 2001 йил 16 январдаги “Нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига кўра, нотижорат акциядорлик жамиятлари деб, ўз фаолиятини амалга ошириш мақсадида акциялар чиқарадиган ва фойдадан фақат жамиятнинг ривожини учун фойдаланадиган юридик шахс тан олинади.

Нотижорат акциядорлик жамияти акциялардан бошқа қимматли қоғозлар чиқаришга ҳақли эмас.



Нотижорат акциядорлик жамиятининг таъсис шартномаси ҳар бир муассис ёки унинг ваколатли вакили томонидан имзоланиш йўли билан тузилади.

Нотижорат ташкилот сифатида таъсис этилган жамият тижоратчи ташкилотга ўзгартирилиши ёки тижоратчи ташкилот нотижорат ташкилотига ўзгартирилиши мумкин эмас[8].

2016 йилдан бошлаб Қозоғистон ОТТларида кузатув кенгашлари фаолият юритади ва ректорларни сайлаш амалиёти жорий этиб келинмоқда. Мутахассислар Қозоғистонда давлат ва миллий ОТТларни 2021 йилдан бошлаб янги ташкилий-ҳуқуқий шакли - нотижорат акциядорлик жамияти шаклида тузиш фикрини билдиришмоқда[9]. ОТТларнинг мазкур янги ташкилий-ҳуқуқий шаклга ўтиши кузатув кенгашлари, эндаумент-фондларни ташкил этиш, йиллик оммавий ҳисобот ва улар фаолиятини аудитдан ўтказишни назарда тутди.

Айрим давлатлар (масалан, Германия)ни ҳисобга олмаганда, деярли барча ривожланган давлатларда хусусий ОТТларни ташкил этиш ва бунда қонун йўл қўядиган юридик шахсларнинг исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклида уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистонда ОТТларни АЖ шаклига ўзгартиришнинг икки вариантини таклиф этиш мумкин:

Биринчи вариант, амалдаги қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиқиб ОТТларни тижоратчи ташкилот бўлган АЖга айлантириш.

Ўзбекистон қонунчилигида ОТТни АЖ шаклида қайта ташкил этиш ФКнинг 49-моддасида[10] белгиланган “ўзгартириш” усулида амалга оширилиши мумкин. Яъни бунда қайта ташкил этилаётган ОТТнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш муассислар (иштирокчилар) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 3-моддаси биринчи қисмига кўра, устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти акциядорлик жамияти деб эътироф этилади[11].

Ушбу Қонуннинг 9-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, АЖ ўзгартириш шаклида ҳам ташкил этилиши мумкин[12].

Бу ҳолатни исталган давлат ОТТ мисолида амалга оширилганида, дастлаб унинг муассиси, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг бу ҳақдаги тегишли қарори қабул қилиниши лозим бўлади. ОТТ ташкилий-ҳуқуқий шаклини муассасадан АЖга ўзгартиришнинг дастлабки босқичда асосий акциядор давлат ҳисобланиши мумкин, яъни акцияларнинг “назорат пакети” давлат мулкида бўлишига йўл қўйилади.

АЖ ташкил этишда муассислар (иштирокчилар)нинг таъсис йиғилишида тегишли қарор қабул қилиниши (12-модда) ва жамият устави (13-модда) тасдиқланиши йўли билан жамият юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилади (14-модда).



Иккинчи вариант Қозоғистон тажрибасидан фойдаланиб, нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш йўли билан нотижорат акциядорлик жамиятини ташкил этиш ва шу асосда ОТТларни АЖга ўзгартириш мумкин.

Муассаса шаклида фаолият олиб бораётган ОТТларнинг АЖ шаклига ўзгартирилиши бир қатор афзалликларни вужудга келтириши мумкин:

1) АЖ бизнесга капитални жалб этишнинг энг самарали ва ишончли усулларида саналади. Одатда АЖни ташкил этиш бизнеснинг муайян турига йирик капиталларни жалб этиш мақсадида тузилади ва қимматли қоғоз шаклидаги акцияларни чиқариш ва сотиш йўли билан бу мақсад муайян маънода таъминланади.

2) Маблағларни ОТТни моддий-техник ва ахборот ресурс базасини ривожлантириш, педагог кадрлар ва ходимларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш, илм-фаннинг устувор соҳаларида тадқиқотлар олиб боришни молиялаштиришда мақсадли-манзилли дастурларни эркин танлаш имкони яратилади;

3) ОТТни бошқарувда умумий йиғилиш, кузатув кенгаши ва ижроия органи тизими жорий этилади ва самарали хўжалик бошқаруви, замонавий маркетинг ҳамда шартномавий таълим ҳамда илмий хизматларни турларини мустақил белгилаш ва амалга ошириш учун ҳуқуқий асос вужудга келади;

4) Кадрларни танлаш, ишга қабул қилиш ва битирувчиларни иш билан таъминлашнинг янги методларини қўллаш, турли вазирлик ва идораларнинг ортиқча бюрократик тартиб-таомилларига бўйсунилишидан эркинлик майдони ҳосил бўлади;

5) Ҳозирда илмий йўналишда пул ишлаш ОТТлар олдидаги энг долзарб ва амалга оширилиши жуда секинлик билан давом этаётган жараён янгича тизимга ўтишига олиб келади. Хусусан, илмий йўналишда ишлаб топилаётган маблағларнинг катта қисми турли фондлар, ажратма, бу маблағларга умумий ҳиссаси бўлмаган амалдорларга тақсимланиши каби мавжуд тизимни ўзгартириш имконияти вужудга келади;

6) Бошқарув тизимини ислоҳ қилиш йўли билан ОТТларни текширувчи турли идоралар ва ташкилотларнинг ўринсиз аралашувлари ва ортиқча бюрократик талаблари чекланади ҳамда ОТТнинг ички ишларига аралашиш каби салбий иллатнинг олди олинади.

ОТТни АЖ шаклига ўтказиш қуйидаги хавфларни юзага келтириши мумкин:

1) АЖ иштирокчилари, яъни акциядорлари билан бошқарувчилар ҳамда педагог-ходим ўртасида ички корпоратив зиддиятлар ва низолар вужудга келиши. Бунда акциядорларнинг ўз акциялари учун дивиденд олишга бўлган манфаати, бошқарувчиларнинг маблағларни ОТТни ривожлантиришга қаратиши, педагог-ходимларнинг иш ҳақи оширилиши бўйича манфаатлари тўқнашуви юзага келиши мумкин;

2) АЖ шаклидаги ОТТ тижоратчи ташкилотлар тўлайдиган солиқ ставкалари ҳамда бошқа мажбурий тўлов ва йиғимларни тўлаши лозим бўлади;

3) АЖ умумий йиғилиши ва ОТТнинг кенгаши ваколатлари ва улар ўртасидаги ички зиддиятлар вужудга келиш хавфи мавжуд.



ОТТнинг АЖ шаклига ўтиши тегишли соҳадаги таълим ва фаннинг ривожланиши, сифатли ва лаёқатли кадрларни тайёрлаш, амалиётга зарур бўлган тадқиқотлар билан бирга, соҳанинг стратегиясини белгилаб берадиган фундаментал тадқиқотларга шароит яратадиган маблағларни ишлаб топиш ва йўналтиришнинг энг мақбул вариантларидан биридир. Шу боис давлат муассасига нисбатан қонунчиликда белгиланган турли таъқиқлар, ортиқча ва ўринсиз назорат, давлат ташкилотлари учун белгиланган молиявий маблағларни тақсимлаш бўйича талабларга риоя этиш каби мақсадсиз ва манзилсиз чекловлардан халос бўлиш ОТТ фаолиятини бугунги замонавий таълим ва меҳнат бозорининг рақобатчи иштирокчисига айлантириши, илмий маҳсулотни яратувчиси ва сотувчисига айланиши мумкин.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги 763-I-сон “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунига “Нотижорат акциядорлик жамиятлари” янги 13¹-моддани киритиш ва уни қуйидаги мазмунда белгилаш лозим:

“нотижорат акциядорлик жамиятлари деб ўз фаолиятини амалга ошириш мақсадида акциялар чиқарадиган ва фойдадан фақат жамиятнинг ривожини учун фойдаланадиган юридик шахс тан олинади.

Нотижорат акциядорлик жамияти акциялардан бошқа қимматли қоғозлар чиқаришга ҳақли эмас.

Нотижорат акциядорлик жамиятининг таъсис шартномаси ҳар бир муассис ёки унинг ваколатли вакили томонидан имзоланиш йўли билан тузилади.

Нотижорат ташкилоти сифатида таъсис этилган жамият тижоратчи ташкилотга ўзгартирилиши ёки тижоратчи ташкилот нотижорат ташкилотига ўзгартирилиши мумкин эмас”.

Муассасаларнинг асл моҳиятини ўзида сақлаб қолиш ва уларнинг моҳиятини кенгайтириш мақсадида ҳуқуқшунос олимлар кўплаб ўз ғояларини илгари суришган. Хусусан, *М.В.Токмовцева ўзининг тадқиқоти натижасида давлат олий таълим муассасаларини нафақат муассаса шаклида, балки давлатнинг унитар таълим ташкилоти сифатида ташкил этиш таклифини ҳам илгари суради*[13]. Бундан бир неча йил илгари, яъни 2004 йилда Россия Федерациясининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида “таълим муассасаси” тушунчасини “таълим ташкилоти” тушунчасига алмаштириш ва шу орқали таълим муассасаларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари танлаш таълим фаолиятида кенг имкониятлар вужудга келиши мумкинлиги[14] ҳақидаги таклифлар илгари сурилган. Лекин мазкур ғоя олимлар томонидан ҳар иккаласи ҳам айний тушунча сифатида эътироф этилиб, ўзгаришсиз қолдирилган.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг ФКда муассасалар давлат ва хусусий шаклларга ажратилмаган бўлса-да, юридик адабиётларда муассасаларни давлат муассасалари ва хусусий муассасалар тарзида талқин қилинишини кўриш мумкин. Бу ҳақда Ҳ.Раҳмонқулов “муассаса” тушунчаси у мулкнинг қайси шаклига асосан ташкил этилганидан қатъи назар, бир хил маънода, қонунчиликда, агар муассаса хусусий мулкка асосланган бўлса, у фақат “муассаса”, давлат мулкига асосланганда эса, “давлат муассасаси” атамалари билан ифодаланишини таъкидлайди[15]. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, муассаса борасидаги тушунчалар



фуқаролик қонун ҳужжатларида аниқ ва батафсил ифодаланмас экан, муассасалар тўғрисидаги қонун нормаларидаги мавжуд бир-бирига номувофиқ қоидалар турли англашилмовчиликларни келтириб чиқараверади.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.-Т.: Адолат 2017. 560 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.-Т.: Адолат 2017. 560 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Таълим тўғрисидаги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон.
4. http://online.zakon.kz/m/document/?doc_id=1025647
5. http://online.zakon.kz/m/document/?doc_id=1014162
6. http://online.zakon.kz/m/document/?doc_id=39081410
7. http://online.zakon.kz/m/document/?doc_id=1021519
8. http://iac.kz/sites/default/files/49_Monitoring_I_ocenka_vnedreniya_gibkoy_formy_v_vuzah.pdf
9. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.-Т.: Адолат 2017. 560 б.
10. http://online.zakon.kz/m/document/?doc_id=39081410
11. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 210-модда.
12. Токмовцева М.В. Высшее учебное заведение как субъект отношений в сфере предпринимательства: автореф. Дис... канд. юрид. наук. М., 2002. – С. 9-17.
13. Каплюк М.А. Понятие и виды высших учебных заведений: проблемы их правового определения. Известия вузов. северо-кавказский регион. Общественные науки. Спецвыпуск. Ростовский государственный университет путей сообщения. 2006 г. – С. 29-32
14. Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – 150 б.